УШБУ СОНДА:
2 ФЕРМЕРЛИК – МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР
3 НОТАРИУС ХИЗМАТИ
XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 БОҚИЙЛИК СИРИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 16 (471)
2006 йил
25 апрел
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ МУҲОФАЗАСИ

Бугунги кун маълумотларнинг тезкор тарқалиши билан олдинги даврлардан кескин фарқ қилади. Улар оддий воқеаликлардан тортиб инсон тафаккури маҳсули — каттакичик ва турли-туман асарлардир. Бу оқимни жиловлаш мураккаблашгани боис ҳам уни қонун билан муҳофаза қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Шуларни ҳисобга олиб Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 2000 йилда 26 апрелда Халқаро интеллектуал мулк куни, деб эълон қилинди. Интеллектуал мулкни муҳофаза этиш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари миллий қонунчилигимизда ҳам алоҳида ўрин тутади. Уни янада такомиллаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўтган йили адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

— Берн конвенцияси муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро ҳужжатдир, — дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги бош директори ўринбосари Алишер Ҳафизов. – Асарлар яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар бўйича тенг ҳисобланади ва ўз муаллифларига қандай ҳуқуқий имконият ёки имтиёзлар берган бўлса, Конвенция аъзоси бўлган бошқа давлатлар муаллифларига ҳам шундай имкониятлар яратиб беради.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид улкан ишлар амалга оширилди. 1996 йилда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонун бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг Берн конвенциясига қўшилиши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, муаллифларимиз ва уларга тенгдаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Шу пайтга қадар Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида муайян мамлакатлар билан икки томонлама тартибда ҳамкорлик қилиб келаётган эди. Берн конвенциясига қўшилиши туфайли мамлакатимиз мазкур йўналишда кўп томонлама шартномалар тузиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган қатор халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан, адабиёт, санъат, таълим ва бошқа соҳаларни тарғиб қилишда қатор халқаро шартномаларда ҳам иштирок этаётир.

Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини амалда самаралироқ таъминлаш мақсадида соҳага оид қонунчиликни халқаро шартнома қоидаларига мувофиқлаштириш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, хусусан, ички ишлар, прокуратура, божхона, суд, солиқ идоралари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

Фильмлар ва бошқа дастурларнинг бозорларда қонуний сотилиши юзасидан қатор ўрганишлар олиб борилаяпти. Мисол учун, Шайхонтоҳур туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган тадбирда «Майкрософт» корпорациясининг дастурий маҳсулотини лицензиясиз тарқатиш ҳолатлари аниқланди. Бунга йўл қўйган ҳуқуқбузарлар суд қарори билан тегишли жазога тортилди. Ушбу ҳолат юзасидан прокуратура томонидан олиб борилган суриштирув жараёнида ўзганинг асарини хуфёна кўпайтириб сотиш билан шуғулланаётган фирма фаолияти фош этилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари ҳам бу йўналишда самарали фаолият олиб боряпти. Қонунчиликка хилоф равишда, хусусан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилишига олиб келадиган ҳолатларга йўл қўяётганлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Ўтказилган тадбирлар давомида кинофильмларни яширин цехларда қайта кўпайтириш билан шуғулланаётган шахслар аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳам жиноят иши кўзғатилди.

Шу боис асарларни турли кўринишда кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланадиган компания ва субъектлар ўртасида қонунчиликка риоя қилиш борасида зарур тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Бу борада дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар муаллифлик ҳуқуқига қатъий риоя этишга қаратилган декларация ҳам қабул қилинган. Уни бугунги кунгача 20 дан зиёд компаниялар имзолаган.

Бу саъй-ҳаракатлар муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси таъминланишида муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳам эътиборга лойиқ. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланган лойиҳа ҳозирда Сенатга ҳавола этилган. Унинг қабул қилиниши соҳа ривожи учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Норгул АБДУРАЙИМОВА,
журналист

Adliya vazirligida

2006 йил 24 апрел куни Адлия вазирлигида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи чорагида адлия идоралари томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ҳайъат мажлисида адлия идоралари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар бўйича аҳволни такомиллаштиришга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди.

Ўтган вақт мобайнида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи идоралар билан ҳамкорлик янада кучайтирилди.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида вазирлик томонидан 366 та меъёрий ҳужжат лойиҳаларига, шундан 45 таси қонун ҳужжати, 81 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, 133 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва Фармойишлари ҳамда 107 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар берилди. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан 8 та қонун, Президентнинг 5 та Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарорлари лойиҳалари тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди.

Шунингдек, ўтган ҳайъат йиғилишида Адлия вазирлигига тақдим этилган 107 та идоравий-меъёрий ҳужжатлардан 44 таси давлат рўйхатидан ўтказилгани, 26 таси амалдаги қонунчиликка зид бўлганлиги сабабли рад этилгани, амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан 12 та меъёрий ҳужжат давлат реестридан чиқарилгани қайд этиб ўтилди.

Ҳисобот даврида вазирлик томонидан 60 та халқаро шартномалар юзасидан ҳуқуқий хулосалар берилди.

Қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, уларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалий ташаббускорлик ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида турли илмий-амалий конференциялар ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, адлия идоралари кичик ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномавий муносабатларни яхшилашга қаратилган таъсирчан механизм қўлланиб келинмоқда. Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимнома киритиш йўли билан тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, ноқонуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш самарали натижа бермоқда.

Вазирликка келиб тушган жами 3987 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилди. Натижада 87,8 фоиз мурожаатлар ўз тасдиғини топди ва мурожаат қилган фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Ишонч телефонларига 379 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 43,2 фоизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли идоларга 1073 та тақдимнома, 549 та огоҳнома ва 72 та кўрсатмалар киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 926 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 55 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 672 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди.

Бундан ташқари, адлия идоралари томонидан 148 та маъмурий ва 73 та жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилди.

Ҳайъат йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йил қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш, бу соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарор ва фармонларининг тўлиқ амалий ижросини таъминлаш бугунги кунда адлия идоралари ходимларининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.

Ҳайъат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЯНГИ НИКОҲ УЙИ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида «Шодлик» номли янги «Никоҳ уйи» очилди. Қайта таъмирдан чиқарилган ва замонавий қулайликларга эга бўлган мазкур «Никоҳ уйи»да никоҳланувчи шахслар учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бинода никоҳни тантанали қайд этиш учун катта зал, иш юритувчи ходимлар, фуқароларни қабул қилиш, ҳужжатлар сақлаш учун алоҳида хоналар мавжуд. «Никоҳ уйи»нинг очилиш маросимида сўзга чиққан шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳмонова, шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи К.Комилов, маҳалла оқсоқоли М. Акбаров ва бошқалар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, оила ва никоҳ, соғлом авлод тарбияси, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунчилик тарғиботи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шундан сўнг «Никоҳ уйи» мудираси Г.Усмонова янги оилавий ҳаётга қадам қўяётган икки ёшнинг никоҳи қонунан қайд этилганини эълон қилди.

Аброр БЕРДИЕВ

Xabar

Ogohlik zarurati

Ҳозирги кунда бирон-бир мамлакатни босиб олиш учун ҳарбий куч ишлатиш шарт эмас. Халқларни асоратда ушлаб туриш учун мафкуравий таъсир кўрсатиш, онгни заҳарлаш, мутелик ҳиссини кучайтириш, ўзлигидан айиришнинг ўзи кифоя, холос. Сиёсий ўйинлар ҳадисини олган айрим қудратли давлатларнинг политтехнологлари ушбу мақсадни амалга оширишнинг энг қулай ва камхаражат йўли оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш эканини яхши биладилар. Дарҳақиқат, глобал ахборотлашув даврида она сайёрамиз катта бир қишлоққа айланди. Дунёнинг у чеккасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабар дунёнинг бу чеккасига яшин тезлигида узатилиб турган бир вақтда Интернет тизими, телевидение, радио ва газеталар қудратини ҳеч қайси кучга тенглаштириб бўлмайди.

ХАТАРЛИ ЎЙИН

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнларни теран таҳлил қилар экан, мафкура майдонларидаги курашлар ядро полигонларидан кўра хавфлироқдир, дея таъкидлаган эди. Ушбу сўзларнинг асл моҳиятини йиллар ўтган сайин тобора чуқурроқ англаб бораяпмиз. Сиёсий ва мафкуравий кураш усуллари тубдан ўзгарган, турфа қиёфага кирган бугунги кунда ахборот хуружларининг салбий таъсирини яққолроқ сезаётгандекмиз. Аслини олганда, инсоният яралибдики, ахборот уруши ичидадир. Бугун гувоҳи бўлаётганимиз унинг такомиллашган, замонавийлашган шакли, холос.

Хўш, бугунги кунда амалга оширилаётган ахборот хуружларининг асл мақсади нима? Улар кимлар томонидан ва нима мақсадда уюштирилаяпти ўзи?

Сўнгги йилларда баъзи қудратли давлатлар томонидан ўз тақдирини ўзи белгилашга интилаётган, ҳамма давлатлар қатори тенг ҳуқуқли ривожланишни истаётган, ютуқларини кўпайтириб, мавжуд муаммоларини мустақил ҳал этишга ҳаракат қилаётган давлатларга, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан ҳам ахборот хуружлари уюштирилаяпти.

Таҳлил этадиган бўлсак, бу компания доирасида тайёрланган хабар ва мақолаларнинг аксариятида пашшадан фил ясаш, мамлакатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асосан салбий жиҳатларини қидириб топиш, тирноқ орасидан кир қидириш, ҳукуматнинг обрўсига путур етказиш каби муддаолар ётибди. Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, хуружлар нега айнан Ўзбекистонга нисбатан амалга ошириляпти? Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида улкан иқтисодий, сиёсий салоҳиятга, табиий бойликлар заҳирасига эга мамлакат. Иккинчидан, давлатимиз АҚШнинг геостратегик манфаатларига мос келадиган минтақада жойлашган. Шу икки сабабнинг ўзиёқ АҚШнинг мамлакатимизни ўз таъсир доирасига киритишга ҳаракат қилиши учун асос бўла олади. Жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби эзгу тушунчалар эса аслида АҚШ маъмуриятини учинчи, ҳатто тўртинчи даражада қизиқтирадиган масалалар, десак, муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, Хитой ва Россия каби икки қудратли давлатга чегарадош Марказий Осиё минтақасини ўз таъсир доирасида тутиб туриш АҚШнинг дунёга якка ҳокимлик қилиш стратегияси манфаатларига хизмат қилади. АҚШнинг ушбу мақсади қисман Грузия ва Украинада амалга ошди — рангли инқилоблар тўлқини ҳукумат тепасига АҚШ таъсири доирасидаги раҳбарларни келтирди. Майдонга чиққан халқ иқтисодий муаммоларнинг тез орада ҳал этилишига, турмушнинг яхшиланишига ишонганди. Аммо янги ҳукумат эски тузумдан мерос қолган муаммолар ечимини топа олмаяпти. Хуллас, тоғ-тоғ ваъдалар ваъдалигича қолди, халқнинг турмуши яхшиланмади. Фақат ушбу давлатлар тақдирини ҳал этаётган раҳбарларнинг қиёфаси ўзгарди, холос.

(Давоми иккинчи бетда)

БЕФАРҚЛИКМИ ЁКИ...

Янгиликка интилиб, бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган юртдошларимиз ислоҳотлар самарасини чуқур ҳис этган ҳолда мамлакат иқтисодини юксалтиришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида тадбиркорларимиз олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг бугунги ва эртанги куни учун катта умид туғдираётир.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда солиқ тизимини соддалаштириш ҳамда солиқ юкини камайтиришнинг аҳамияти катта. Яқинда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходимлари Шофиркон тумани давлат солиқ инспекциясида тадбиркорликка оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини ўрганишганда солиқ тўловчилар билан муносабатларда ижобий ўзгаришлар юз бера бошлаганини қайд этишди. Бу солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг самарасидир.

Афсуски, ўрганиш жараёнида тадбиркорлар фаолиятига нохолис ёндашиш, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари бузилган ҳолатларга ҳам дуч келинди. Ушбу ҳолатлар айрим янги ташкил этилган юридик шахсларга бериладиган имтиёзларнинг бузилгани билан боғлиқ. Хусусан, туман ҳокимининг 2003 йил 22 февралдаги 162-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Асал-Анвар» автофирмаси 2005 йил 22 февралгача мол-мулк солиғидан озод этилган. Аммо туман ДСИ мутасаддилари Солиқ кодексининг 92-моддасини четлаб, агрофирмадан 2004-2005-йиллар давомида 22.400 сўм мол-мулк солиғи ундирган.

Tahlil ko`zgusi

Бу ноқонуний ҳаракат «Мухриддин-Мафтуна» савдо ишлаб чиқариш фирмасига нисбатан ҳам қўлланган.

«Мироншоҳ-Меҳриддин», «Раим Довуд» каби фермер хўжаликлари 2004 йил баҳорида туман ҳокимлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган ва икки йил давомида ер солиғи тўлашдан озод этилганди. Бироқ туман солиқ инспекцияси ўтган йили «Мироншоҳ-Меҳриддин» фермер хўжалигидан 444.600 сўм, «Раим Довуд» фермер хўжалигидан эса 546.975 сўм миқдорида ер солиғи ундирган.

(Давоми иккинчи бетда)

ДАЪВО

У ҚАНДАЙ ҲОЛДА КЎРИЛМАСДАН ҚОЛДИРИЛАДИ?

Қонунчиликда хўжалик судларига киритиладиган айрим даъво аризалари кўрилмасдан қолдирадиган ҳолатлар ҳам мавжудлиги қайд этилган. Хўжалик процессуал кодексининг 38-моддасида қандай ҳолатларда даъво кўрилмасдан қолдирилиши белгилаб қўйилган. Бу ҳолатлар қуйидагича:

- агар жиноят, фуқаролик ишлари бўйича судлар, хўжалик суди ва ҳакамлар суди айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет ва асослар бўйича низо юзасидан иш юритаётган бўлса, даъво кўрилмай қолдирилади;
- ишда иштирок этувчи шахслар низони ҳакамлар судига кўриш учун топшириш тўғрисида келишишган, ҳакамлар судига мурожаат қилиш имконияти йўқолмаган бўлса ҳамда ишнинг хўжалик судида кўрилишига қарши бўлган жавобгар низони мазмунан ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш ҳақида илтимосномa билан мурожаат этса;
- даъво ариза имзоланмаган ёки имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ, қарз банк ёки бошқа кредит муассасаси орқали ундириб олиниши шартлилигига қарамай, даъвогар жавобгардан қарзини ундириш учун банк ёки кредит муассасасига мурожаат этмаган бўлса;
- даъвогар низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этмаган, бу эса мазкур тоифадаги низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермаган бўлса;
- давлат рўйхатидан ўтишни рад этиш ёки ундан бош тортиш тўғрисидаги ариза кўрилаётганда ҳуқуқий мазмундаги низо келиб чиққан бўлса.

Хўжалик-процессуал кодексининг мазкур моддасида кўрсатилган асослардан ташқари, давлат идораларидан манфаатини ҳимоя қилишни сўраб берган аризасидан даъвогарнинг воз кечиши ҳам даъвони кўрилмай қолдирилишига сабаб бўлади.

Самарқанд вилояти хўжалик суди 2005 йилда 187 та даъво аризасини юқорида келтирилган ҳолатларга асосан кўрмасдан қолдирган. Шундан 160 та ариза эгаси — даъвогар хўжалик суди мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўришга розилик бермаган. Хусусан, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2005 йил сентябридаги ажримига асосан даъвогар Республика Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти бошқармасининг «Игилик-Газ» масъулияти чекланган жамиятнинг жавобгар «Бензол» масъулияти чекланган жамиятдан 2495028 сўм маблағни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилди. Даъвогар Самарқанд тумани давлат солиқ инспекциясининг жавобгар Самарқанд туманидаги «GRANT-PIVO» хусусий корхонасига даъво аризаси ҳам кўрилмасдан қолдирилган. Чунки суд мажлисининг вақти ва жойидан хабардор этилганига қарамай, даъвогарлар суд мажлисида иштирок этишмаган. Хўжалик процессуал кодексининг 88-моддаси, 3-бандига асосан, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2005 йил 11 июлдаги ажрими бўйича Тайлоқ туманидаги Амир Темур номидаги ширкат хўжалигининг шу тумандаги «Ўзбекистон» кичик корхонасидан 226353 сўм ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризасини мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган боис кўрилмай қолдирилди. Шунингдек, ХПКнинг 88-моддаси, 5-бандига кўра, низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этилмагани, яъни талабнома юборилмагани учун 22 та даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти хўжалик суди томонидан кўрилмасдан қолдирилган хўжалик ишлари орасида, айниқса, даъвогар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилингани ҳолда мажлисга келмагани ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик бермагани боис кўрилмаган ишлар кўп учрайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, даъвони кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, даъвогар хўжалик судига умумий тартибда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

О.АСАДОВ,
ҳуқуқшунос

Huquqiy sharh

Ajab savdolar

НОЎРИН ПАЙСАЛЛАШ

тақдимнома киритишга сабаб бўлди

Мамлакатимизда кам рентабелли, истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликлари ташкил этиш жараёни жадал давом этмоқда. Бу иш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хатирчи туманидаги "Кўксарой" ширкат хўжалиги ҳам тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Туман ҳокимининг 2004 йил 30 декабрда К-1638-сонли қарори асосида ширкат хўжалиги ҳудудидаги кўчмас мулкларни "кимошди" савдоси орқали доимий фойдаланиш мақсадида фуқароларга сотиш учун махсус комиссия тузилиб, ширкат хўжалигининг I-бригадаси ҳудудидаги 8180 квадрат метр майдонни эгаллаган товуқхона биноси ҳам "кимошди" савдосига қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорининг 6-иловасига асосан қайта ташкил этиш комиссияларига "кимошди" савдосини ўтказиш ваколати берилган. "Кўксарой" ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига Мамаражаб Ўралов ва Бегдулла Жабборов "кимошди" савдосида қатнашиш учун ариза беришади. 2005 йилнинг 29 февралида "кимошди" савдоси ўтказилади. Бошланғич баҳоси 3 миллион 428 минг 700 сўм бўлган товуқхона биносини 6 миллион 428 минг 700 сўмга М.Ўролов сотиб олади. "Кимошди" савдосида М.Ўролов ғолиб чиққани мазкур комиссия томонидан шу куни тузилган 21-сонли баённомада қайд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг **"2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳамда ушбу комиссиянинг 21-сонли баённомасига асосланиб, туман ҳокими 2005 йил 26 октябрида 1367-сонли қарор қабул қилади. Мазкур қарорда Мамаражаб Ўралов "кимошди" савдоси орқали товуқхона биносини сотиб олгани, пул маблағларини тўлиқ тўлагани боис фуқарога мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини тиклаш қайд этилганди. Шунингдек, қарорнинг алоҳида бир бандида туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматига товуқхона биноси кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш топширилганди.

Бироқ орадан анча вақт ўтса-да, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши пайсалга солиб келинган. Шу тариқа тадбиркор 6 миллион 428 минг 700 сўмга мулкни қонуний сотиб олганига қарамай унга эгалик қилолмайди. Бундай қонунга зид сансоларлик "Дилмурод ал Мамаражаб" фермер хўжалиги раҳбари М.Ўраловнинг тоқатини тоқ қилди. Шундан сўнг у туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари ўзига тегишли мулкни расмийлаштириб бермаётгани ҳақида Навоий вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Тадбиркорнинг аризаси адлия бошқармасида атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида туман ҳокими номига қарор ижросини таъминлаш, вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошлиғи номига эса йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Тақдимнома ижро этилиб, М.Ўраловнинг қонуний мулкига доир кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди.

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимизда барча мулк шакларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланган. Шу боис қонунчилигимиз юқорида баён этилгани сингари масъулиятсизлик ёхуд пайсалга солишлар билан муроса қилолмайди.

Лутфулла ТОШМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Маълумки, кейинги йилларда фермерларни ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бир қатор қонун ҳужжатлари мамлакатимизда аграр соҳани янги бир босқичга олиб чиқди. Қисқа муддатда фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарадиган асосий хўжалик субъектига айланганининг ўзиёқ фикримизнинг исботи бўла олади.

ФЕРМЕРЛИК — МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий эркинлаштириш жараёни ҳам биз – фермерларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, ўз кучимиз, ақл-заковатимиз, тажрибамизга ишониб, эркин фаолият юритаяпмиз. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга хирмонимиз юксак, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлмоқда.

Мисол учун ўтган йили 31 гектар ерга чигит қадаб, давлатга 108 тонна биринчи навли ҳосил топширдик. 10 гектар майдондаги дон ҳосили гектарига 50 центнердан ошиб кетди. Йиллик даромадимиз 35 миллион сўмни, соф фойдамиз 16 миллион сўмни ташкил этди. Фақат пахтачиликнинг ўзидан 32 039 минг сўм даромад олганимизнинг ўзиёқ фермер хўжалигимиз аъзолари қўлга киритаётган ютуқларнинг салмоғи катта эканини кўрсатади.

Жорий йилда 31 гектар ер майдонига «Бухоро-6» навли пахта уруғи экдик. 10 гектар майдондаги ғалла ҳосилини гектар бошига 70 центнерга етказиш ниятидамиз. Шу мақсадда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказаяпмиз.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бугунги фермер универсал қобилиятга эга бўлиши керак. Халқимиз ибораси билан айтганда, унга қирқ ҳунар ҳам оз. Акс ҳолда у бошқалардан ортда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ёш бўлсам-да, ўз устимда мунтазам иш олиб бориб, ўқиб изланаяпман. Ҳосилотликдан ҳам, механизаторлик, ҳисобчилик, таъминотчилик, қонунчилик, иқтисодчиликдан ҳам хабардорман. Чунки ўз ҳақ-ҳуқуқини билган фермер барча тўсиқларни енгиб ўтади. Шунинг баробарида, ишнинг кўзини билган фермергина бой-бадавлат бўлади.

Жорий йилнинг Наврўз байрамида фермер хўжалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, Жўймўмин қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашдик. Қишлоқ ободончилиги учун 230 минг сўм ажратдик. Мақсадимиз – юртимиз тинч, обод бўлсин. Дастурхонимиздан қутбарака, файз кўтарилмасин.

Бугун биз ер эгасига айланган эканмиз, энг аввало, ўз ишимизга масъулият билан ёндашмоғимиз лозим. Зеро, мамлакатимизнинг эртанги иқтисодий юксалиши биз – фермерларнинг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Демак, зиммамизга юклаётган масъулиятни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Муртазо МУРОДОВ,
Жондор туманидаги
«Эргашев Алпомиш Муртазо ўғли»
фермер хўжалиги раҳбари

Mitti maslahat

АРИЗА РАД ЭТИЛАДИ

Ҳаётда турфа хил воқеа-ҳодисалар учраб туради. Айтайлик, баъзи кишиларда турли сабабларга кўра, фамилияси, исми ёки отасининг исмини ўзгартириш нияти туғилади. Албатта, бундай ҳолларда ФҲДЁ идораси томонидан бу ўзгартириш сабаблари обдон ўрганилади. Фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаслиги, оилада бир хил фамилияда бўлиш истагининг туғилиши каби узрли сабаблар бўлгандагина мурожаат ижобий ҳал этилади.

ФҲДЁ идораси бу тўғрида ҳужжатларни қабул қилиб олгач, йиғма жилдга тикиб, текширув ўтказиш учун ички ишлар бўлимига жўнатади. Ички ишлар бўлими тақдим этилган ҳужжатларни ўттиз кун ичида ўрганиб чиқиб, хулоса беради. Ўрни келганда айтиш керакки, аризачининг иши тергов ёки судда бўлиши, судланганлик ҳолатининг ҳали олиб ташланмагани рад жавобини берилишига сабаб бўлади.

Баъзи пайтда содир этилган жиноятни яшириш, қарздорлик, кредиторлик тўловларидан бош тортиш мақсадида ҳам айрим кимсалар исм-фамилиясини ўзгартиш пайига тушиб қолиши мумкин. Бу Оила кодексининг 226 ва 227-моддалари, Фуқаролик кодексининг 19-моддаси талабларига зид бўлгани боис бундай аризалар рад этилади.

Холбуви МАНСУРОВА,
ҳуқуқшунос

БЕФАРҚЛИКМИ ЁКИ...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Президентимиз Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида **«Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора-тадбирларни кўриш бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда»**, деб бежиз куюниб гапирмаганди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, қонунга зид тарзда қўшимча ҳисоботларни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида 2005 йил 14 июнда Президентнинг 100-сонли қарори қабул қилинган эди.

Туман солиқ инспекцияси мазкур қарор талабларига зид равишда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳисоботлар олиб, уларни овора қилгани ғоятда ажабланарли ҳол. Солиқ инспекцияси тумандаги «Олтиной-Зайниддин» фермер хўжалигидан 2005 йил 1 июлда, «Фозил Анвар Плюс» корхонасидан 2006 йил 15 февралда бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ҳамда дебиторлик ва кредиторлик тўғрисидаги маълумотномаларни олган. Давлатимиз раҳбарининг **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»**ги қарорида эса бундай ҳисоботлар йилда бир марта тақдим этилиши қайд этилган.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонида молиявий санкцияларни қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиши, солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун устама қўшиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг содир этган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиши ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаши белгиланган. Туман ДСИ ходимлари «Вардонзе» кичик корхонаси ва «8-сон қурилиш-монтаж» фирмасига нисбатан молиявий жарима қўллашда ушбу Фармон талабларини бузишган. Хўш, тадбиркорлик фаолиятига бундай юзаки муносабатни кечириб бўлардими?

Давлат Солиқ қўмитасининг 2005 йил декабрдаги 257-сонли буйруғига асосан, «Тадбиркорлик субъекти томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айбига иқрор бўлиб, текширув далолатномасига эътирозлар билдирмасдан имзоланса, натижаси бўйича солиқ идораси томонидан тадбиркорлик субъектига текширув далолатномаси рўйхатга олинган санадан бошлаб 5 кун кечиктирилмасдан тақдимнома берилади. Тақдимнома асосида солиқ ва мажбурий ажратмалар бўйича қўшимча ҳисобланган маблағлар устамалар билан биргаликда ихтиёрий равишда 10 кунлик муддатда тўланганда тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди» деб кўрсатилган. Туман ДСИ солиқ инспекцияси 10 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималар қўллаб, уларнинг раҳбарларига огоҳлантириш сифатида тақдимномалар киритишган бўлса-да, мазкур ҳужжатлар рўйхатга олиш журналларида қайд қилинмаган. Демак, бундай тақдимномалар номигагина расмийлаштирилгани аён бўлади.

Бундан ташқари Бухоро вилояти адлия бошқармасига Когон туманида фаолияти кўрсатиб келаётган «Г.Жалолов» фермер хўжалиги раҳбари ариза билан мурожаат қилиб, фермер хўжалигига тегишли ер майдони туман ҳокимининг 2005 йил 28 декабрдаги 681-сонли қарори билан олиб қўйилганини баён этган. Фермер хўжалиги туман ҳокимининг 2002 йил 25 сентябрдаги 673-сонли қарорига асосан ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган. Тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилганда туман ҳокимининг қарори Ер кодексининг 36-моддаси талабларига зид эканлиги аён бўлди. Ер участкаси «Бухоробалиқсаноатсавдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти тасарруфида бўлгани учун «Г.Жалолов» фермер хўжалиги мазкур жамият билан 2002 йилдан бошлаб 50 йилга ер участкасини узоқ муддатда ижарага бериш тўғрисида шартнома тузган.

Tahlil ko`zgusi

Вилоят адлия бошқармаси Шофиркон туман ДСИ фаолиятида йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш ва Когон ҳокимининг 681-сонли қарорини бекор қилиш юзасидан вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ва туман ҳокими номига тақдимномалар киритди.

Албатта, камчиликка йўл қўйган мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилиши муқаррар. Шунингдек, тақдимномаларда ноқонуний ундирилган тўловлар тадбиркорларга қайтарилиши ва ҳуқуқий меъёрларга зид қарорлар бекор қилиниши талаби ҳам қўйилган. Зотан, мамлакатимизда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, уни муттасил ривожлантирувчи кучга айланган бир пайтда ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш асосий мезон бўлиб қолаверади.

Мардон МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Диққат, янги рукн: **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ**

САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Яқинда мамлакатимиз фуқаролари яна бир масъулиятли жараён – фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида қатнашади.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўли давлат идораларининг ўрнини жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан босқичма-босқич эгаллашида намоён бўлади. Бу назария «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» ғоясида ўз аксини топган.

Бош Қомусимиз – Конституциямизнинг 105-моддасида ҳам шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш идоралари эканлиги белгилаб қўйилган.

Шу асосда шарқона демократиянинг яққол намунаси бўлган ўз-ўзини бошқариш идоралари ва уларга ўтказиладиган сайловлар тартибининг барча ҳуқуқий асослари яратилди.

Биз мамлакатимизда кечадиган бу муҳим жараённи инобатга олиб, газетамиз саҳифасида янги – «Сайлов ва қонун» рукнини ташкил этдик. Бундан кўзланган мақсад – фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини янада ошириш ва жойларда ўтказилаётган сайловларда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборатдир.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, деганда нима тушунилади?

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши, деганда - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолият олиб бориш ҳуқуқи тушунилади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти қандай қонунлар билан тартибга солинади?

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги (2003 йил 30 август, 2004 йил 27 август, 3 декабрдаги ўзгартиришлар билан) **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларига нималар киради?

— Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ равишда фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш мумкин эмас.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қандай принциплар билан амалга оширилади?

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти асосан 6 принципга амал қилинган ҳолда амалга оширилади:

демократизм;
ошкоралик;
ижтимоий адолат;
инсонпарварлик;
маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;
жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари, деганда нимани тушуниш мумкин?

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, аммо ҳар бир бошқарув шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралашиш мумкинми?

— Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш масалаларида ёрдам беради, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади, аммо ишларига аралашишга йўл қўймайдилар,

Шунингдек, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, деганда қандай органлар тушунилади?

— Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб аталади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан белгиланган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олинади.

— "Фуқаролар йиғини тўғрисида"ги Низомда нималар назарда тутилиши лозим?

— "Фуқаролар йиғини тўғрисида"ги Низомда:

фуқаролар йиғинининг номи;
фуқаролар йиғинининг ҳудуди;
фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;
фуқаролар йиғинини чақириш тартиби;
фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;
фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, шунингдек, фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш тартиби;
фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби;
фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва раис маслаҳатчиларининг ваколатлари;
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятининг молиявий асоси;
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар белгилаб қўйилади.

Рукн учун масъул ҳуқуқшунос А.РАҲМОНОВ

Ogohlik zarurati

ХАТАРЛИ ЎЙИН

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ирокдаги вазият ҳам ҳамон таҳликали қолмоқда. Деярли ҳар куни рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари, ўнлаб-юзлаб қурбонлар, суннийлар ва шиалар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб кетаётган, ўғирлик, талончилик, қотилликлар сони ортиб бораётгани Ироқ урушининг мевалари, десак, хато бўлмайди.

Албатта, Ироқ Саддам Ҳусайннинг зулмидан қутулди, аммо ундан-да оғирроқ фалокат — бошбошдоқлик ва анархияга учради. Совға этилган демократиянинг қадри йўқ. Бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини Афғонистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ёзувчи Жеймс Рассел Лауэлл ўн тўққизинчи асрдаёқ шундай деган экан: **«Жамоатчилик фикрининг босими атмосфера босимига ўхшайди. У кўзга кўринмайди, аммо танангизнинг ҳар бир квадрат сантиметрига бир неча килограммлик юк билан босиб туради».**

Лауэллнинг ушбу сўзлари худди бугунги кунимиз ҳақида айтилганга ўхшайди. Зеро, жамоатчилик фикри ўз тарихида ҳеч қачон бугунги кундаги каби қудратли, бўлинган, ўзгарувчан, беҳаёларча эксплуатация қилинмаган ва бошқарилмаган.

Лорд Бивербрук бундай омма онгини бошқариш назариясининг асосий тамойилини ахборот ёки ташвиқот сиёсатдан бир қадар олдинда юриши керак, дея лўнда ифода этган. Ҳақиқатан ҳам, кенг жамоатчилик фикрини шакллантирмай туриб ташланган ҳар бир сиёсий қадам ерга ишлов бермай экилган экин каби яхши ҳосил бермайди. АҚШ маъмурияти ўз ички ва ташқи сиёсатида бу тамойилга оғишмай амал қилади. Маълум бир масала юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурати пайдо бўлганида АҚШнинг қудратли ахборот машинаси ишга тушади. Жамоатчилик фикрини бошқариш учун зарур ахборот кўзланган мақсадга эришилмагунча Интернет, телевидение, радио, газета-журналлар орқали тарқатиб турилади. Сўзимизнинг исботи учун Ироққа қарши уруш бошлашдан аввал АҚШ томонидан олиб борилган ахборот ва ташвиқот ишлари кўламига назар ташлашнинг ўзи кифоя.

Италиялик журналист Паола Мастролилли «Ла Стампа» газетасининг 2004 йил 24 март сонида чоп этилган «Оқ уй Саддам ҳақида 237 бор ёлғон сўзлади» мақоласида Ироқ масаласи билан боғлиқ маълумотлар Буш маъмуриятининг юқори лавозимли амалдорлари ҳамда Оқ уй раҳбари томонидан бузиб талқин этилгани ҳақида ёзади. Унга кўра, Ироққа уруш очиш арафасида АҚШ Президенти Жорж Буш, вице президенти Дик Чейни, давлат котиби Колин Паэлл, мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ва давлат котиби Кондолиза Райс томонидан 237 марта Ироқ билан боғлиқ ёлғон баёнот тарқатилган.

«Ироқнинг Нигериядан тўйинтирилган уран сотиб олгани ва инсониятга жиддий хавф солаётгани, Ироқда кенг кўламда ядровий тадқиқотлар олиб борилаётгани, кимёвий ва биологик қуроллар ишлаб чиқарилаётгани, Саддамнинг «Ал Қоида» билан ҳамкорлик қилаётгани билан боғлиқ баёнотлар ҳақиқатдан анча йироқ эди, ҳамон ўз тасдиғини топгани йўқ. — дейилади мақолада. — **Хусусан, Президент Буш 2003 йил 28 январдаги «Миллатга мурожаат»ида Ироқ Нигериядан тўйинтирилган уран сотиб олганини таъкидласа, 2002 йилнинг октябрида «Саддам атом қуроли яратиш арафасида турибди», дейди. 2002 йилнинг 7 октябрида у «Ироқ кимёвий ва биологик қуролларни ташувчи самолётлар флотини кенгайтираяпти», дея қатъий баёнот берса, ўша йилнинг 4 ноябрида эса ҳеч иккиланмай «Саддам ана шундай қуролларга эга», дея таъкидлайди».**



Табиийки, АҚШ маъмурияти Ироқ билан урушга тайёргарлик кўраётган ва сўнг ушбу давлатни босиб олганидан кейинги хатти-ҳаракатларини хаспўшлаётган пайтда дунё ҳамжамиятини нега бунча кўп ва изчил равишда алдаб келди, деган ҳақли савол туғилади. Бунга жавоб бериш жуда осон. Бундай ахборот-ташвиқот хуружлари жаҳон афкор оммасини аввалига Ироққа қарши ҳаракатларни олиб бориш зарурати пайдо бўлганига ишонтирган бўлса, кейинчалик АҚШ ҳарбий кучларининг тартиб ўрнатиб туриш учун Ироқ ҳудудида муқим қолиши зарурлигига ишонтирди.

Ироқ атрофидаги можаролар оддий америкаликларда Президент маъмуриятига нисбатан ишончсизлик туйғуларини уйғотаяпти. Жорий йилнинг март ойида «Ньюсуик» журналининг буюртмасига кўра, амалга оширилган сўровнома АҚШ Президенти Жорж Бушни аҳолининг бор-йўғи 36 фоизи қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Сўровда иштирок этганларнинг 70 фоизига яқини АҚШ ҳукуматининг Ироқдаги сиёсатини салбий баҳолаган. Америкалик сайловчиларни бу фикрлардан фақат зафар билан якунланадиган кичик бир уруш чалғитиш мумкин, холос. Муаммо шундаки, АҚШ ҳукумати ҳали Ироқ ва Афғонистондаги урушларнинг ҳисобини бериб улгурман. Бироқ сўнгги пайтларда Вашингтоннинг Теҳронга нисбатан олиб бораётган ахборот хуружи Бушнинг учинчи урушни бошлаш, ҳеч бўлмаганда, Эроннинг ядровий объектларига ҳужум уюштириш ниятида эмасмикин, деган хавотирларни уйғотмоқда.

Яқинда АҚШ давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Николас Бернснинг мамлакат ташқи сиёсатининг 2006 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ҳақидаги маърузаси чоп этилди. Ушбу маърузада АҚШнинг Украина, Россия ва бошқа МДҲ давлатларида демократияни ривожлантиришга кўмаклашиши ҳақида сўз боради.

Россиялик сиёсатшунос Виктор Надеин — Раевский бу борада шундай дейди: **«Бу асосий ва шу билан бирга ўта иддаоли лойиҳа. АҚШ бу лойиҳадан асло воз кечмайди. Ахир, бусиз ўз сиёсатининг тажовузкорлигини, унинг экспансионизмини қандай оқлаб бўлади?!. Маърузада собиқ Иттифоқ давлатларини демократлаштириш ҳақида сўз боради. Лекин бу америкалик демократизаторнинг бошқа ҳудудларга эътибор бермай қўяди, дегани эмас. Яқин Шарқни олайлик. Ахир, сўнгги йиллардаги воқеалар АҚШнинг ташқи сиёсати дунёнинг асосий энергия заҳиралари устидан назорат ўрнатишга қаратилганини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Яқин Шарқ эса ушбу заҳираларнинг асосий манбаи. Демак, АҚШ бу ҳудудни ҳали-бери тинч қўймайди. Николас Бернснинг маърузасидан кўриниб турибдики, АҚШ НАТОнинг мандатини Яқин Шарқ, Осиё ва Африкага кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ироқ уруши АҚШ учун қимматга тушаяпти. Шунинг учун улар ўз иттифоқчиларини яна бир бор Ироқ, умуман, Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги авантюраларига тортиш учун ҳаракат қилиб кўрадилар. Бошқача айтганда, АҚШ маъмурияти дунёга ҳукмронлик қилиш режасини амалга оширишда ўз иттифоқчилари ҳарбий, моддий ва бошқа заҳиралар билан ёрдам кўрсатишини истаяпти.**

Николас Бернс иттифоқчиларни терроризмга, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда ҳамкорликка чақираяпти. Бироқ бу чақирувнинг чин кўнгилдан айтилаётганига шубҳам бор. Давлат котиби ўринбосари санаб ўтган масалалар ечими нафақат АҚШ ва НАТО давлатлари, балки дунёдаги барча мамлакатлар ҳамкорлигини тақозо этади. Ҳамкорликка даъват ўз вақтида жаранглаяпти. Аммо шу ўринда АҚШ ўзининг қайси сиёсати билан бу муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаяпти, деган савол пайдо бўлади. Дейлик, АҚШ гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида гапираяпти. Аммо дунё бозорига героин асосан Америка назоратида бўлган Афғонистондан етказиб берилаётганини ҳамма кўриб турибди-ку?

Умуман олганда, Николас Бернснинг маърузасида ҳеч қандай янгилик йўқ. У АҚШ ҳукуматининг сиёсати 2006 йилда ҳам ўзгармай қолишидан далолат беради, холос...»

Албатта, «демократлаштириш» ва «терроризмга қарши кураш» никоби остида дунёга эгалик қилиш сиёсати ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Чунки инсониятнинг ўзини ўзи «жаҳондаги энг қудратли яхшилик қилувчи куч» дея эълон қилган ҳукуматга нисбатан норозилиги тобора аланга олмоқда. Бу эса заминимизни оғир ҳарбий можаролар гирдобига иткитиб юбориши ҳеч гап эмас.

Ж. ИБРОҲИМОВ

Tahlil va saboq

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Ҳақиқатан ҳам, жамоа ва ширкат хўжаликларининг тугатилиши, ер ўзининг ҳақиқий эгаси – деҳқонга берилиши соҳада кескин ижобий ўзгаришлар юз кўрсатишига замин яратди. Куни кеча колхозчи ёки ишчи бўлган деҳқон бугун фермерга айланди ва у энди биринчидан, эл-юрт манфаати учун, иккинчидан, ўз оилавий даромадини ошириш учун жон койитиб меҳнат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун ҳалол меҳнат қилаётган ҳар икки фермердан бирининг тагида енгил машина. Чўнтагида жарақ-жарақ пул. Бир сўз билан айтганда, кечаги оддий деҳқон бугун мулкдорга айланаётир. Деҳқоннинг манфаатини эса, шубҳасиз, унинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаб берувчи қонунлар ҳимоя қилади. Ана шу қонунларни ҳурмат қилиб, унга бўйсуниб, унинг талабларига риоя этиб иш юритаётган турли катта-кичик идора-ю корхоналар раҳбарлари эл олқишини олмоқдалар. Лекин донишманд ота-боболаримиз "гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, аҳён-аҳёнда бўлса-да, айрим раҳбарлар турли усуллар билан оддий деҳқон ёки тадбиркорнинг йўлига турли суньий тўсиқлар қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибдики, бу кишини ўйлантириб қўяди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун эътиборингизга муштарийларимиздан бири йўллаган мактубни ҳавола этамиз. Сурхондарё вилояти, Бандихон туманидаги "Окработ-Пахтакор" фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Шердонов шундай ёзади:

"...Ўтган 2005 йилнинг январ-феврал ойларида Бандихон тумани ҳудудида жойлашган "Пахтакор" ширкат хўжалиги тугатилиб, ер деҳқонларга бўлиб берилди. Яъни ширкатга тегишли бўлган мавжуд ер майдонлари тўлиқ фермер хўжаликлари ҳисобига ўтди. Мен ҳам яхши ният билан "Окработ-Пахтакор" номли тутчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этдим. Туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжалигимга икки гектар ер ажратиб берилди. Фермер хўжалигимиз аъзолари билан бор кучимизни ана шу ернинг маҳсулдорлигини ошириш, унинг шўрини ювиб, тут ниҳолларини экишга қаратдик. Албатта, қуруқ қўл билан бирор-бир натижага эришиш қийин. Бизга техника керак. Техника учун эса МТПга пул тўлаш лозим. Табиийки, янги иш бошлаётган барча фермерлар бирдек пулдор эмас. Қонунда камхарж фермерга, банк ёрдам бериши таъкидланган. Ҳукуматимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида уларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратишни қонун асосида кафолатлаб қўйган. Бу биз учун ҳам айни муддао бўлди.

Гапнинг индаллоси, 2005 йилнинг ёзида "Пахтабанк"нинг Бандихон тумани филиалига кредит сўраб мурожаат қилдим. Банк раҳбари мутасаддилари бир ярим миллион сўм пул учун мени анча вақт овора қилди. Бир кун борсанг, бу ҳужжат, эртаси куни яна бир ҳужжат кам, деб баҳона топади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Dolzarb mavzu

Янқин-яқингача туман марказидан узоқда, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли зарур ҳужжатларни расмийлаштирадиган нотариус идораси йўқлигида қийналар, туман марказига келиб-кетиш учун анча вақт сарсон бўларди. Ҳукуматимиз бу муаммони бартараф этиш мақсадида нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга оширилишига имконият яратиб берди. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, фуқаролар йиғини раиси ҳузурига бора олмаган ҳолларда эса нотариал ҳаракатлар фуқаро истиқомат қиладиган жойда амалга оширилиши мумкин. Агар нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғини биносидан ташқарида бажарилса, нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрига мазкур ҳаракат амалга оширилган манзил қайд этилади.

НОТАРИУС ХИЗМАТИ

ундан ҳеч ким четда қолмайди

Нотариал ҳаракатлар давлат божи тўланиб, зарур ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади. Бу ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумот ёки ҳужжатларни экспертизага юбориш зарурати туғилгандагина кечиктирилиши мумкин. Шунингдек, фуқаролар йиғини раислари фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилгани тўғрисида суд қарори бўлмаган тақдирда ҳам нотариал ҳаракати кечиктириши мумкин. Фуқаролар йиғини раислари зарур ҳолларда Фуқаролик процессуал кодексининг 291-моддасига асосан, шахси муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат этишга ҳақли. Бундай ҳолларда иш судда кўриб чиқилгунга қадар нотарил ҳаракат тўхтатиб турилади.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахси паспортига асосан аниқланади. Ҳужжатлардан олинган нусхалар ва уларнинг кўчирмаларини тасдиқлашда фуқароларнинг шахсини белгиловчи ҳужжатига асосланилади. 16 ёшга тўлмаганларнинг шахси уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчиларининг паспортидаги ёзувларга ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасига кўра аниқланади. Ҳарбий хизматчиларнинг шахси ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар томонидан берилган шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий билет асосида аниқланади.

Булардан ташқари, фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра нотарил тасдиқлаши лозим бўлган ҳужжатини ўз қўли билан имзолай олмаса, бу ҳужжатларни унинг илтимосига кўра фуқаролар йиғини раиси ҳузурида бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бундай ҳолда илтимос қилган фуқаронинг ҳужжатга ўз қўли билан имзо чека олмагани сабаби ёзиб қўйилиши лозим. Агар нотариал иш билан мурожаат қилган фуқаро саводсиз ёки кўзи ожиз бўлса, фуқаролар йиғини раиси ҳужжатнинг матнини ўқиб бериши ва бу ҳақда ҳужжатга ёзиб қўйиши зарур. Шунингдек, кар, соқов фуқароларга нотариал ҳаракатни амалга оширишда улар билан сўзлаша оладиган саводли шахс иштирок этиши шарт.

Фуқаролар йиғини раислари сўзлари ўчирилган, қўшимчалар киритилган, изоҳ берилмаган ўзгартиришлари бор, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қабул қилмайди. Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак. Нотариал гувоҳлантириладиган ҳужжатларнинг матни аниқ ва равшан ёзилиши керак. Ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар сўз билан, фуқароларнинг насаби, исми ва отасининг исми, юридик шахсларнинг номлари ҳамда уларнинг манзиллари кўрсатилган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши керак.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган фуқаролар йиғини раислари тақдим этилган ҳужжатларнинг айнанлигига шубҳа қилишганда бу ҳужжатларни олиб қолишга ва экспертизага юборишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда фуқаролар йиғини раиси ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқариб, унда қарор чиқарилган кун; қарор чиқарган фуқаролар йиғини раисининг исми ва фамилияси ҳамда фуқаролар йиғининнинг номи; ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилгани ва ҳужжат экспертиза қилиш учун қаерга юборилаётганнини кўрсатиши лозим.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган фуқаролар йиғини раислари амалга ошириш ғайриқонуний бўлган тақдирда, яъни бундай ҳаракат бошқа нотариал идорада амалга оширилиши керак бўлган ва шу каби ҳолатларда, тақдим этилган ҳужжатлар қонуний талабларга мувофиқ келмаганда ёки уларда фуқароларнинг қадр-қимматини ерга урадиган маълумотлар учраганда бундай ҳужжатларни қабул қилмасликка ҳақлидир.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошираётган фуқаролар йиғини раислари нотариал ҳаракат бажарилиши рад этилган шахсга бунинг сабабларини изоҳлаб, ФПКнинг 294,297-моддаларига биноан, фуқаролар йиғини жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) судига шикоят қилиш тартибини тушунтиради.

Бажарилган нотарил ҳаракат юзасидан манфаатдор шахслар ўртасида келиб чиқадиган низолар суд томонидан қонунга мувофиқ тартибида кўриб чиқилади.

Азиза ДЎСТОВА,
Каттақўрғон шаҳри
Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



Юртим жамоли

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

АФҒОНИСТОНДА АВИАҲАЛОКАТ

«ИНТЕРФАКС» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, куни кеча Афғонистон жанубида жойлашган Лашкарга шаҳри аэропортида юз берган авиаҳалокат натижасида беш нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 10 нафари турли даражада тан жароҳати олган.

Афғонистон жанубида жойлашган Канада қуролли кучлари вакили Квентин Иннис берган маълумотларга қараганда, АҚШнинг гиёҳвандликка қарши курашувчи агентлигига тегишли бўлган "Ан-32" русумли самолёт аэропортга кўниш чоғида белгиланган ҳудуддан чиқиб, турар жой биноларига бориб урилган. Қурбон бўлганлар орасида бир нафар вояга етмаган ўсмир ҳам бор.

ВЕНГРИЯДА СОЦИАЛИСТЛАР ҒАЛАБА ҚИЛДИ

Яқинда Венгрияда бўлиб ўтган парламент сайловларида Ференц Дюрчан раҳбарлигидаги ўнг социалистлар партияси ғалаба қозонди. Сайлов натижасига кўра партия Венгрия парламентида мавжуд бўлган 386 ўриндан 210 ўринни эгаллаган.

Эслатиб ўтиш жоизки, бу мамлакатда социалистлар партияси кетма-кет иккинчи марта сайловларда ғолиб келмоқда. Мухолиф томон етакчиси Виктор Орбан ўзининг сайловда ютқазганини тан олиб, рақиби Ференц Дюрчанни ғалаба билан қутлади.

БОҒДОДДА ЯНА ПОРТЛАШЛАР

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, душанба куни Ироқ пойтахти Боғдод шаҳрида навбатдаги портлашлар ва қуролли тўқнашувлар юз берган. Қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида 12 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва етмиш нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Маҳаллий полиция вакилларининг гувоҳлик беришича, бир кунда Боғдод шаҳрининг турли бурчакларида портловчи моддалар юкланган еттита автомобил портлатилган.

Биринчи портлаш Боғдод шаҳрининг қоқ марказида юз бериб, ушбу қўпорувчилик оқибатида уч нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва йигирма беш нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Мазкур портлаш Ироқ соғлиқни сақлаш вазирлиги биноси яқинида содир этилган.

Орадан икки соат ўтиб, Ироқ пойтахтининг шарқий ҳудудида жойлашган Ал-Мустансария университети яқинида ҳам иккита миналаштирилган автомобил портлаган. Бу портлаш туфайли уч нафар олий ўқув юрти талабаси қурбон бўлган ва йигирма нафардан ортиқ талаба турли даражада тан жароҳати олган.

Яна бир портлаш Каррада туманида жойлашган марказий майдон яқинида содир этилган. Тахминларга қараганда, бу қўпорувчилик ҳаракати, АҚШ ҳарбийларига қарши уюштирилган. Хайриятки, бу сафар қурбонлар бўлмаган. Лекин 11 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Улар орасида АҚШ ҳарбийлари бор ёки йўқлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Ал-Жадид тумани ҳудудидаги полиция маҳкамаси яқинидаги портлаш натижасида уч нафар полиция ходими ва яна уч нафар тинч аҳоли вакили ярадор бўлган.

Сўнгги портлаш Ироқ пойтахтининг Ал-Мансур тумани марказида содир этилиб, у саккиз нафар тинч аҳоли вакили ва бир нафар полиция ходимининг тан жароҳати олишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, полиция Абу Грейб тумани ҳудудида ўн беш нафар фуқаронинг жасади ортилган юк машинасини топган.

ЭРОН БМТ ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Шу кеча-кундузда Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежад Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига ўз мамлакати номидан расмий жавоб бериши керак.

Маълумки, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши расмий Теҳронга шу йилнинг 28 апрелига қадар бойитилган уран ишлаб чиқаришни тўхтатишни талаб қилган эди.

Шу кунга қадар Эрон расмийлари ҳар қандай вазиятда ҳам ўз ядровий дастурини тўхтатмасликларини таъкидлаб келаётган эди. Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежаднинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига берадиган расмий жавоби ушбу муаммога узил-кесил якун ясаши кутилмоқда.

ҒАЗО МИНТАҚАСИДА ЯНА НОТИНЧЛИК

«ОРЕАНДА» ахборот агентлигининг хабар беришича, Фаластиннинг Ғазо минтақасида яна оммавий тартибсизликлар бошланиб кетган. Маълумотларга қараганда, ушбу тартибсизликларга «ХАМАС» гуруҳи ва шу кунгача Маҳмуд Аббосни қўллаб-қувватлаб келаётган «ФАХТ» ҳаракати ўртасида юз берган тўқнашувлар сабаб бўлган.

«ФАХТ» тарафдорлари «ХАМАС» ҳукумати назоратида бўлган шаҳар маъмурияти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги биноларини қуролли куч билан эгаллашга ҳаракат қилган. Тўқнашув натижасида қурбон бўлганлар бор. Шунингдек, Маҳмуд Аббоснинг мингдан ошиқ тарафдорлари Қонунчилик кенгаши биносини босиб олгани ҳақида ҳам маълумотлар тарқалган. Ушбу тўқнашув натижасида қирқ нафардан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

Таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Аббос шу йилнинг 20 апрел куни экстремистик гуруҳлардан бирининг етакчиси ҳисобланмиш Жамол Абу Самҳадани Фаластин Ички Ишлар вазирлигининг юқори лавозимларидан бирига тайинлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорини бекор қилган эди. Бунга жавобан «ХАМАС» сиёсий бюроси раиси Махмуд Аббосни «Ғарб билан муросасозлик»да айблаб, мамлакатда ҳарбий тўнтариш ҳаракатини бошлаб юборган.

Якшанба куни эрталаб «ХАМАС» гуруҳи ва «ФАТХ» ҳаракати вакиллари ўзаро йиғилишиб, Ғазо минтақасидаги оммавий тартибсизликларни тўхтатиш ҳақида келишиб олишган эди. Бироқ ҳали бу борада бирор-бир ижобий натижа кўзга ташлангани йўқ.

Интернет материаллари асосида Мадина ОРИПОВА тайёрлади

Jinoyat va jazo

ТАРБИЯСИЗЛИК МЕВАСИ

Жиноят бамисоли заҳарли бир дарахтга ўхшайди. Шохлари ва япроқларидан худди саҳрода ўсадиган Ангар дарахтидек заҳар томчилаб туради. Унинг томирлари инсон хулқи ва характеридаги иродасизлик, худбинлик, маданиятсизлик каби қусурлардан куч олади. Ўқ томири эса барча иллатларнинг манбаи — тарбиясизликка бориб тақалади.

Суд очерки

Худонинг иноятн билан оилада фарзанд дунёга келаркан, уни тарбиялаш, илм-маърифатли қилиш, халқнинг кору борига ярайдиган инсон даражасига етказиш масъулияти биринчи навбатда ота-она зиммасига юклатилади. Бола яхши, маданиятли, инсоф-диёнатли оилада тарбия топиши ва ўсиб улғайиши зарур.

Ривоят қилишларича, фарзанд кўрган ота орадан олти ой ўтиб бир донишманднинг ҳузурига боради ва бола тарбияси учун нималар қилиш кераклигини сўрайди. Шунда донишманд бола тарбиясини ҳали у она қорнидалик пайтидаёқ бошлаш кераклигини айтиб, «сиз анча кечикибсиз», дея ёш отага танбеҳ беради.

Афсуски, баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясига лоқайд қарайдилар. Оилада ота-онанинг бир-бирига нисбатан муносабати, ичкиликбозлик, алдамчилик, отанинг ўз оиласини ташлаб кетиши каби нохуш ҳолатлар болага салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатлар йиллар ўтган сайин кучая боради ва пировард натижада кишини жиноятга етаклаши ҳеч гап эмас.

Ака-ука Дмитрий ва Владимир Кочетковлар ҳам ота-она меҳридан бебаҳра ўсди. Уларнинг ўқиши ва билим олиши эътибордан четда қолди. Катта ўғил бор-йўғи 5-синф маълумоти билан мактабни тарк этди. Ундан ўрнак олган Владимир ҳам 6-синфдан кейин ўқишни хоҳламади. Оилада қаттиққўл отанинг йўқлиги ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Судда гувоҳлик берган З.Файзиддинованинг айтишича, оила кам таъминланган бўлиб, нотинч ҳаёт кечирарди. Кейинги пайтда болаларнинг онаси О.Кочеткова ҳам фарзандларини тақдирнинг қўлига ташлаб аллақаёққа дом-даракси кетиб қолади. Дмитрий билан Владимирга қандай бўлмасин ёрдам бериш мақсадида маҳалла маслаҳатчиси З.Файзиддинова бир неча бор суҳбатлар уюштиради. Ишга жойлаштиришга ҳаракат қилади. Ака-укалар кўпроқ ҳар хил кишиларнинг уйига бориб ёлланиб ишлаб, ўз билганларича кун кечирадилар. Ана шундай кунларнинг бирида Дмитрий Чирчиқ бозоридан спирт олиб келади. Ака-ука уйда ўтириб уни «майдалайди». Гаплдан гап чиқиб, Дмитрий укасига тунда ўғирликка боришни таклиф қилади. Владимир рози бўлгач, иккаласи ўз ниятларини амалга ошириш учун йўлга тушадилар.

(Давоми тўртинчи бетда)

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шундан сўнг «Ўзбекистон» телеканалининг "Иқтисодиёт" бўлимига ариза билан мурожаат қилдим. Аризамни текшириб чора кўриш учун мутахассислар келишди. Банк бошлиғи уларнинг олдида менга тез кунлар ичида имтиёзли кредит ажратиб беришга ваъда қилди. Мана шу воқеага ҳам икки ойдан ошди. Аммо ҳануз кредитдан дарак йўқ...»

Шу ўринда муаммони қай тарзда ҳал қилишни мутасадди идоралар вакилларига ҳавола этган ҳолда озгина мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Дарҳақиқат, одатда, кимнингдир масъулиятсизлиги ва ўз бурчини вақтида бажармаслиги бошқа бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи бузилишига олиб келади. Бунинг оқибатида эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аризабозлик ва асаббузарликка йўл очилади. Агар "Пахтабанк"нинг Бандихон тумани филиали раҳбарлари Иброҳим Шердоновнинг саволларига ўз вақтида ва қонуний жавоб берганларида эди, бугун фермер ҳам овора бўлиб юрмаган ва биз ҳам ушбу мақолани ёзиб ўтирмаган бўлардик.

Биз мақоламизни бежизга бурч ва масъулият ҳақидаги фикрлар билан бошламадик. Чунки навбатдаги мактубимиз ҳам шу ҳақда. Ушбу хатни бизга Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Паканди қишлоғидан Абрай Эсиргадиев йўллаган:

"...Мен 1987 йилдан буён Чироқчи туманининг "Чироқчи" (собиқ "Олға") газетасида ҳисобчи лавозимида фаолият юритиб келаётган эдим. Олий маълумотли иқтисодчиман. 2003 йилда таҳририят бош муҳаррири ўзгарди. Янги муҳаррир менга "штатлар жадвали, иш ўринлари ўзгарди, энди сиз ҳисобчи-газета босиб келувчи вазифасида ишлайсиз", деди. Мен шу билан таҳририятнинг иқтисодий аҳволи енгиллашса керак, деган фикрда унинг таклифига рози бўлдим. Лекин орадан кўп ўтмай муҳаррир яна битта "ҳисобчи-газета босиб келувчи" штатини жорий қилиб, унга педогогика коллежини битирган мутахассисни ишга олди. Бунисига ҳам рози бўлдим. Энг қизиғи шундан сўнг юз берди. Кутилмаганда менинг Чироқчи туман "Пахтабанк"идаги ҳисобчи сифатидаги имзоим бекор қилиниб, янги мутахассис А.Бўроновнинг имзоси тасдиқланиб "қолди". Мен — 18 йилдан буён таҳририятга ҳисобчи лавозимида ишлаб келган, ўз иш фаолияти давомида бирор-бир камчилик ёки хатога йўл қўймаган А.Эсиргадиевнинг ўрнини таҳририятга янги келган ва энг асосийси, мутахассис бўлмаган А.Бўронов эгаллади. «Ота-боболаримиз "қорнимга эмас, қадримга йиғлайман", деган мақолни кўп ишлатишган. Мен ушбу мақолнинг мағзини чаққач, ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига мурожаат қилдим.

Менинг даъво аризамни шу йилнинг 21 феврал куни кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўқиб, кўнглим жойига тушди. Чунки бу ҳал қилув қарори мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилаётганининг яна бир исботи эди. Қуйида ана шу ҳал қилув қаридан қисқагина кўчирма келтираман:

"...Даъвогар Эсиргадиев Абрайнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Чироқчи туман "Чироқчи" газетаси таҳририятининг 2006 йил 03 январ кунидаги А.Эсиргадиевнинг ҳисобчи-газета босиб келувчи вазифасига ишга ўтказиш ҳақидаги 2-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинсин.

Даъвогар Эсиргадиев Абрай 2006 йил 3 январ кунидан бошлаб Чироқчи туман "Чироқчи" газетаси таҳририятига аввалги иши – ҳисобчи вазифасига тиклансин.

Жавобгар Чироқчи туман "Чироқчи" газетаси таҳририятидан давлат фойдасига 4700 (тўрт минг етти юз) сўм давлат божи ундирилсин.

Жавобгар Чироқчи туман "Чироқчи" газетаси таҳририятидан даъвогар Эсиргадиев Абрай фойдасига маънавий зарар учун 100.000 (юз минг) сўм ундирилсин...

Ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш қисми дарҳол ижрога қаратилсин..."

Кўриб турганингиздек, адолат қарор топди. Ҳал қилув қарорида белгиланган муддат ичида таҳририят апелляция шикояти, прокурор протест киритмади. Демак, суднинг ҳал қилув қарори кучга кирди. Шундан сўнг бош муҳаррир яна янги буйруқ чиқарди. Келинг, гапим озгина чўзилиб кетган бўлсада, ана шу буйруқдан ҳам қисқагина кўчирма келтириб ўтай:

"..."Чироқчи" туман газетаси таҳририятининг 2006 йил 3 январ кунидаги 2-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган ҳисоблансин... Таҳририят ва Абрай Эсиргадиев ўртасида 2006 йил 14 мартда тузилган 3-сонли меҳнат шартномасига асосан ҳисобчи вазифасига тайинлансин..."

Четдан қараган одамга таҳририят суд қарори ижросини тўлиқ бажаргандек туюлади. Яъни мен ўз вазифамга тикландим. Ойлик маошимдаги фарқлар ва етказилган моддий зарар таҳририят ҳисобидан ундириб берилди. Лекин...

Ҳамма гап мана шу лекинда. Таҳририят мени ўз вазифамга тиклагани рост. Менга етказилган маънавий ва моддий зарарни қоплагани ҳам ҳақиқат. Лекин орадан икки ой ўтаётганига қарамай ҳамон банкда менинг имзоим тасдиқланганини йўқ. Мен қоғоздагина ҳисобчиман. Амалда эса ишни ҳамон А.Бўронов юритаяпти. Сизлардан илтимос, энди мен нима қилишим ва қандай йўл тутишим ҳақида маслаҳат берсангизлар..."

Бу ўринда гап айланиб келиб, яна масъулият ва бурчга тақалади. Аслида суд ҳал қилув қарорини бажариши керак бўлган мансабдор шахс, яъни таҳририят раҳбари ушбу масалага масъулиятсизларча ёндашган. Ўзининг раҳбарлик масъулияти ва бурчини тўлиқ адо этмаган. Агар у аввал бошданоқ ўз вазифасига виждонан ёндашиб, бирор-бир вазифага тайинлаш ёки вазифадан озод қилишда хатога йўл қўймаганида эди, иш судгача бориб етмасди.

Демак, ҳар иккала шикоятнинг ёзилишига айнан мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги, ўз бурчига виждонан ёндашмаганлари сабаб бўлган.

Сўнгсўз ўрнида яна шуни таъкидлаб ўтишни истар эдикки, кимки ўз зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этмаса, қонунни айланиб ўтишга ҳаракат қилса, қонунбузарликка йўл қўйса, қонун уни кечирмайди. Шундай экан, биз энг аввало, қонунни, демакки, ўз-ўзимизни ҳурмат қилишга ўрганайлик. Ана шундагина барча ишларимиз ўнгланиб, ортиқча асаббузарлик ва аризабозликка ўрин қолмайди.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири



Tahlil va saboq

БОҚИЙЛИК СИРИ

Бу дунё сиру синоатга тўла. Коинотдан заррага қадар сингиб кетган бу сиру синоат одамзодни мудом ҳайратга солиб келади. Бу сирлилик наинки бутун борлиқни, ҳатто тарихимизда из қолдирган деярли ҳар бир шахснинг ҳаётини ҳам туман янглиғ чирмаб олган. Инсоният тарихидаги энг сирли шахслардан бири – граф Сен-Жермен ҳаётига назар ташлар экансиз, қаерда ҳақиқат тугаб, қаерда ривоят бошланганини фарқлай олмайсиз.

Калиостро мақтанчоқ эди, бироқ граф Сен-Жерменга мақтаниш ҳисси бегона. Ҳатто мисрликлардан кимё сирларини ўрганганини таъкидлаганида ҳам зиғирча муболаға ишлатмаган. Одамлар унинг бу гапларига ишонмас ва у суҳбатдошларининг хурмати юзасидан гўёки ҳазиллашаётгандек тутарди ўзини...

Умберто Эко, "Фуко капгири"дан

Буюк воқеалар ва буюк фожеаларни бошидан кечирган XVIII аср инсоният хотирасида "Маърифат асри" ўлароқ муҳрланиб қолди. Ньютон ва д'Аламбер, Гарвей ва Левенгук, Сведенборг ва Шастанье, Дидро ва Вольтер каби файласуфлар, табиатшуносу тасаввуфчилар ўз қарашлари билан олам ва Тангри ҳақидаги одатий тушунчалар мувозанатини бузиб ташлади. Европада жисмоний ва руҳий борлиқ сирларини англаш иштиёқи авж олди. Заковат ғалаёни ила турли даражадаги авантюрачилар ҳам бўй кўрсатди. Сохта пайғамбарлару табиблар, мутасаввуфлар, сиёсий қаллоблар, жиноятчилар, товламачилар, ахлоқий бузуқлар, масонлар ва инқилобчилар... Потемкин ва Пугачев, княжна Тараканова ва Картуш, маркиз де Сад ва Казанова... Уларнинг саноғига етиб бўлармиди? Ниҳоят, ўша асрнинг энг кўзга кўринган шахслари – борлиқ сирларининг моҳиятига етдик, дея даъво қилган икки сохта граф, "буюк сеҳргарлар" – Калиостро ва Сен-Жермен...

КАЛИОСТРО: СОХТА АФСУНГАР ВА МИСИ ЧИҚҚАН ТОВЛАМАЧИ

Калиостронинг ҳақиқий исми — Жузеппе Бальзамо. У тахминан 1743 йили Палермода, савдогар оиласида дунёга келди. Бальзамонинг болаликданоқ товламачиликка мойиллиги бор эди. Шарқ мамлакатларида тиббиёт, кимёдан сабоқ олди, афсунгарлик-алкимёгарликни ўрганди. Европага қайтиб келгач, киборлар жамиятида ўз истеъдодини граф Калиостро номи билан намойиш эта бошлади. Париж, Лондон, олмон князликларида унинг номини эшитмаган одамнинг ўзи йўқ эди. Ривоятларга кўра, сохта граф оддий металларни олтинга айлантирадиган "фалсафий тош" сирини кашф этган ва боқийлик эликсирини тайёрлаган эмиш.

Дарвоқе, абжир авантюрачи ҳамиша олтинга эҳтиёж сезиб яшади ва унинг фаолияти қирол тақинчоқларини ўғирлашда иштирок этиш билан якун топди. Шўрлик боқийликка ҳам эриша олмади. Инквизиция чангалига тушгач, Бальзамо 1795 йили бидъатчи ва қаллоб сифатида банди этилган «Муқаддас Шер қасри» ертўласида вафот этди. Сен-Жерменнинг тарихи эса бутунлай ўзгача.

ЙЎҚЛИКДАН КЕЛГАН ОДАМ

Граф де Сен-Жермен тарих саҳнасида кутилмаганда пайдо бўлди. Унинг ўтмиши ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмас, ўзи ҳам бу ҳақда оғиз очишни ёқтирмас эди. Насл-насаби ҳақидаги саволларга одатда мийиғида жилмайиб қўя қоларди, холос. У турли тахаллуслар остида саёҳат қилар, аммо кўпинча ўзини граф де Сен-Жермен, деб таништирар эди. Берлин, Лондон, Гаага, Санкт-Петербург ва Парижда уни шу ном билан эслашса-да, графлик унвонига унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ўзининг номаълум насл-насаби ва сирли ўтмишига қарамай, у тез орада Париж киборлари орасида ва қирол Людовик XVнинг саройида хос кишилардан бирига айланди. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ аслида – ўша пайтларда исмини ошкор этмай саёҳат қилиш урф бўлган эди.

Граф де Сен-Жермен ёши қирқ бешлар чамаси, қорачадан келган киши бўлиб, юзидан улуғворлик, юксак заковат аломатларини уқиб олиш мумкин эди. Хушбичим, кўзлари ўткир, сочлари қора, савлатли кўринарди. Граф одми, аммо ҳамиша дид билан кийинган, дейишади уни таниганлар. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, унинг қиёфаси бир неча ўн йиллар давомида ўзгармай қолаверган.

Сен-Жермен, Калиостродан фарқли ўлароқ, ўша даврнинг оддий авантюрачиларига сира ўхшамас эди.

Биринчидан, Сен-Жермен ҳеч қачон пулга зориқиш сезмаган, ҳамиша дабдабали ҳаёт кечирар эди. Одмигина кийинишига қарамай уст-бошини бриллиантлар билан безашни хуш кўрарди. Граф қимматбаҳо тошларга тўла кичкина қутичани ҳамиша ўзи билан олиб юрар, афтидан, бу тошларни атрофдагиларга кўз-кўз қилиб хузурланар эди. Ким билади дейсиз, балки бу тошлар қалбакидир? Нима бўлганда ҳам, у шоҳона ҳаёт кечирар, бунинг асл манбаини эса ҳеч ким билмас эди.

Иккинчидан, Сен-Жерменнинг хатти-ҳаракатлари олижаноблик билан йўғрилган, мукаммал тарбия топгани шундай кўриниб турарди. Калиостро эса аксинча, жамият орасида ўзини тарбиясизларча тутар, четдан кузатиб турган одам унинг киборлар жамиятига адашиб кириб қолганини тезда фаҳмлаб оларди. Сен-Жермен эса ҳақиқатан ҳам, олижаноб эди. У қироллару киборларни ҳам, илм аҳли-ю оддий халқни ҳам бирдек асир этар, улар билан эркин гаплаша оларди.

Учинчидан, Сен-Жермен ўта ўқимишли бўлиб, Европанинг асосий тилларида мукаммал сўзлашарди. Французлар, инглизлар, италияликлар, олмонлар, испанлар, португаллар, голландлар билан гаплашганида уларнинг талаффузини шу қадар ўхшатар эдики, суҳбатдошлари уни беихтиёр ўз ватандоши, дея қабул қилар эди. Сен-Жермен венгер, турк, араб, хитой ва рус тилларида ҳам бемалол гаплаша оларди. Хуллас, бу сирли одамнинг қўлидан келмайдиган ҳунарнинг ўзи йўқ эди. Сен-Жермен скрипка, арфа, гитара чалишни қойиллатар, ёқимли овози бор эди. Унинг бир неча кичик опералар ва мусиқали пьесалар ёзгани маълум. Умуман олганда, Сен-Жермен санъатнинг чинакам шайдоси эди. Рассомчиликка қизиқар, сурат чизишни машқ қилар эди. Ажабланарлиси шундаки, у чизган суратлар қоронғуликда ўзидан нур таратиб турарди.

Сен-Жерменнинг табиий фанларга, хусусан, кимёга қизиқиши баланд эди. Халқ орасида Сен-Жермен қимматбаҳо тошларни "етиштириш" сиридан воқиф бўлса керак, деган миш-мишлар юрарди. Бунга асос ҳам бор эди, чоғи. 1757 йили граф Людовик XVнинг дарз кетган йирик олмосини ўз аслига қайтараман, деб олиб кетади. Дарҳақиқат, икки кундан сўнг Сен-Жермен ўша олмосни қусурсиз ҳолда қиролга қайтариб беради. Ким билсин, балки Сен-Жермен қиролнинг марҳаматига эришиш учун олмосни алмаштириб бергандир? Аммо Сен-Жермен ҳаётида бу каби воқеалар шунчалик кўп бўлганки, олмосларни алмаштириб бериш ҳақидаги фаразларга ҳам ишонмай қўясан.

Сен-Жермен тарих ҳақида соатлаб гапириши мумкин эди. У аллақайси Франциск I ёки Людовик XIV ҳақида ҳикоя қилар экан, қироллар ва сарой аёнларининг ташқи кўринишини аниқ тасвирлаб берар, овозларига, хатти-ҳаракатларига тақлид қилар, воқеа рўй берган жой ва шахсларни шу қадар ишончли таърифлар эдики, эшитиб турган одам беихтиёр Сен-Жерменнинг ушбу воқеаларни ўз кўзи билан кўрмаганмикин, деган шубҳа пайдо бўларди.

Дарвоқе, граф баъзан ўзи билмаган ҳолда гўёки унга қадимги файласуфлар ва ҳукмдорлар билан суҳбатлашиш насиб этганидан сўз очиб қоларди. "Мен Исога бунинг яхшиликка олиб келмаслигини неча марта айтганман", деган эди бир марта у. Одатда, у шунга ўхшаш сўзларни айтиб юборарди-ю, ортиқча гапириб юборганини сезиб ўзини йўқотиб қўярди.

Унинг зиёфатларда пайдо бўлиши баъзи кекса киборларни саросимага солиб қўяр, чунки улар бу кишини болалик ёки ўсмирлик чоғларида ҳам аниқ кўрган эди. Энг ҳайратланарлиси, унинг қиёфаси ўша пайтдан бери сира ўзгармаган эди...

(Давоми келгуси сонда)

Эркин ХАЙРУЛЛАЕВ,
тайёрлади

Dunyoning ishlari

ЭЪЛОН!

Хоразм вилояти адлия бошқармаси Боғот тумани ҳудудида давлат нотариуси лавозимига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Хоразм вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Нотариат бўйича малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган фуқаро қайта имтиҳон топширгани ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Самарқанд кўчаси 90-уй.
Маълумот учун телефон: 226-40-42, 226-97-57.

ЭЪЛОН!

Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. «Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедраси бўйича кафедра мудири — 1
2. «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
3. «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
4. «Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
5. «Факультетлараро тиллар» кафедраси бўйича катта ўқитувчи — 1
6. «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1
7. «Фуқаролик процесси» кафедраси бўйича ўқитувчи — 1

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Ректор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19, 40-хона.
Телефон: 136-09-39, 3«133-48-66.



Жилғалардан бошланар дарё

Jinoyat va jazo

ТАРБИЯСИЗЛИК МЕВАСИ

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Албатта, ана шундай қалтис дамда уйда инсоф-диёнатли ота ёки ўз фарзандининг келажагига бефарқ қарамаган она бўлганда, балки уларнинг гапи ёки қатъий талаби билан болалар ёмон мақсадларидан қайтган, бошқа бирор-бир фойдали иш билан шуғулланган бўлармидилар?!.

Афсуски, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ақли хиралашган ака-укаларни ёмон йўлдан қайтарувчи бирор кимса топилмади.

Тун... Атроф зим-зиё. Кочетковлар кўп қаватли уйнинг олдида тўхташди. Ичкаридан эшитилган кулгу овози нимаси билан-дир уларнинг диққатини тортди. Боланинг кулгуси ўша лаҳзада Дмитрийнинг руҳиятига қандай таъсир этгани ва у хаёлидан нималарни кечирганини худо билади. Зеро, коинот қаърида кезиб юрган сайёралар сирини очиш мумкин бўлган бугунги кунда ҳам инсон миясида юз берадиган мураккаб жараёнларни тадқиқ этиш ўта мушкул, балки имкони йўқ ишдир. Нима бўлганда ҳам, қоронғуликда янграган кулгу ўғриларни ўзига чорлади. Улар бино олдида турган қувурларни ўмариб кетиш ниятидан воз кечиб, бола кулгуси эшитилган ҳона томон юришди. Эшик қулф эди. Дмитрий эшикни зарб билан итарди ва уни бузиб ичкарига кирди. Электр чироқлари ўчиб ётганлиги сабабли уй қоронғи эди.

Дмитрий чўнтагидан гугурт олиб ёқди ва унинг ёруғида атрофни кўздан кечира бошлади. Афтидан, у ўмариб кетиш мумкин бўлган буюмларни қидирар ва имкон борича кўпроқ нарсага эга бўлишни мўлжалларди. Шу мақсадда энди залга томон ўтаётганда, хонадон эгаси М. (айрим сабабларга кўра аёлнинг исми келтирилмади) даҳлизда пайдо бўлди. Дам олаётган аёл шовқиндан чўчиб кетган ва нима гаплигини билиш учун чиқиб келганди.

Дмитрий фурсатни қўлдан бермади. Тезкорлик қилмаса, аёл ақлини йиғиштириб олиши ва ўз уйида иккита бегона киши турганидан кўрқиб кетиб, дод солиши, қўшниларни ёрдамга чақириши ёки бошқа бирор-бир чора кўриши мумкин эди. Дмитрий сира иккиланмай аёлни уриб йиқитди. Кафти билан унинг оғзини маҳкам бекитиб, дўқ-пўписа қила бошлади. Энди унинг мақсади ўзгача тус олганди, бор оғирлиги билан аёлни босиб тураркан, унинг номусига тегишдан ўзини тийиб тура олмади...

Владимир ҳам тезкорлик кўрсатди. Дарҳол ошхонага кириб у ердаги рўзғор буюмларини катта қопга жойлай бошлади. Аммо М.нинг емакхонаси афтидан, унчалик бой эмас, рўзғор буюмлари фақат икки-уч кишига, яъни М.нинг ўзи ва ногирон, ақли ноқис укасига мўлжалланган эди. Дмитрий укасига раҳнамо: Унга спиртли ичимлик ичираги, ўғирликка даъват этади, зўравонлик ва босқинчиликни ўргатади.

Бундай жиноятларнинг содир этилишида шиша ичидаги «шайтон»нинг ҳам хизмати бор, албатта, аммо асосий айб спиртли ичимликда эмас, балки оилада олинган бебурд тарбиянинг оқибатидадир.

Эртаси куни, яъни шу йилнинг 17 январида зўравон ака-укалар қўлга олинди. Аммо бунгача улар фуқаро М.нинг уйидан олинган ўлжаларни ўша миттитумандаги бир аёлга 10 минг сўмга пуллашга улгурган эдилар.

Жиноят содир бўлди. Аммо Дмитрий билан Владимир масалан, Жорж Семинон ёки Хедли Чейз асарларининг қаҳрамонлари каби алиби тайёрлашга уринмадилар, қўлқоп билан ҳам ишламадилар, жиноят изини йўқотишга ҳаракат қилмадилар ҳам. Гўё жиноят эмас, хайрли бир ишни амалга оширган кишилар каби йўлларига равона бўлдилар.

Нега бундай? Нима учун улар қилган ишларининг оқибатини ўйлаб кўрмадилар?

Шу ўринда мазкур саволга бу нотўғри тарбиянинг ҳосиласи, инсоннинг ўз ва ўзгалар ҳаётига масъулиятсизлик билан қарашининг оқибати деб жавоб берсак, масалага тўғри ёндашган бўламиз. Суд жараёнида акаукалар ўз айбларига тўла иқрор бўлдилар ва енгиллик берилишини сўрадилар. Суд жиноятни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни адолат тарозусига солиб кўриб; жазо тайинлади.

Хулоса шуки, воқеа тафсилотидан хабардор бўлган фуқаролар ота-оналар, маориф тизими ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ёшларимизнинг, хусусан, вояга етмаган фарзандларимизнинг тарбиясига жиддий эътибор берсинлар, токи бола қалбида жиноят иллати илдиз отмасин.

А.САЪДУЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг раиси
Неъмат АРСЛОН,
журналист

Тошкент юридик коллежи жамоаси ўқитувчи Жамшид Насруллаевга отаси АБДУРАЙИМ отанинг вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси жамоаси мухбир Тожимурод Эшмуродовга отаси ЭШМУРОД отанинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент банк коллежи томонидан Фотима Ҳакимовага берилган 268527-рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-615. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6